



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 31 октябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 24 ноябрда
маъқулланган

Кейинги йилларда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш мақсадида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга, сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Шу билан бирга парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятида сиёсий партияларнинг ролини янада кенгайтириш, вакиллик органларига сайланган депутатлар ва сенаторларнинг парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятидаги масъулияти ва фаоллигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш ва марказлашган сайлов органлари тизимини шакллантириш, уларнинг профессионал тайёргарлиги оширилишини таъминлаш зарурияти юзага келмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги ҳам Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб этмоқда.

Мазкур Конституциявий Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказишни, шунингдек сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантиришни, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштиришни, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштиришни ҳамда сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Конституциявий Қонун сиёсий партиялар ва депутатлар ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланишига, сиёсий партияларнинг мавқеи ҳамда сайлов органларининг профессионаллик даражаси янада ошишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги 417–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 6, 574-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни референдум ўтказувчи комиссиялар амалга оширадидлар. Улар фуқароларни ўз ишларидан, овоз бериш участкалари тузилганлиги, комиссияларнинг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадидлар, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари билан таништирадидлар, овоз бериш яқунларидан хабардор қиладидлар»;

2) **8-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «округ комиссияларига» деган сўзлар «тегишли худудий комиссияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Референдум ўтказувчи округ комиссияси» деган сўзлар «Худудий комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«референдум ўтказувчи комиссияларнинг мажлисларида ҳозир бўлиш»;

4) **III бўлимнинг номидаги «ОКРУГЛАРИ ВА»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **15-модда** чиқариб ташлансин;

6) **16-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-модда. Референдум участкалари

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ тузилган сайлов участкалари референдум ўтказиш даврида референдум участкалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмлар, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида референдум участкалари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига сайлов участкаларини тузиш учун белгиланган тартибда тузилади»;

7) **17-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Референдумни ташкил этиш ва ўтказиш куйидаги комиссиялар томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;

худудий комиссиялар – вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий сайлов комиссиялари;

референдум ўтказувчи участка комиссиялари.

Қорақалпоғистон Республикаси худудида худудий комиссияларнинг ушбу Қонунда назарда тутилган референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси амалга оширади.

Референдум ўтказиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ўтказиладиган бўлса, референдумни ўтказиш тегишли сайлов комиссиялари зиммасига юкланиши мумкин»;

8) **18-модда биринчи қисмининг:**

иккинчи – ўн тўртинчи хатбошилари куйидаги мазмундаги **иккинчи – ўн учинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«худудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ушбу Қонуннинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди;

худудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, референдумни ташкил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради, низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фойдаланишга доир фаолиятга умумий раҳбарликни ва бу фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум участкаларини тегишли худудга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

худудий комиссияларнинг таркиби ва жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

худудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди;

агар худудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссияларининг қарорлари ушбу Қонунга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг референдумдаги кузатувчиларига мандатлар беради;

референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини ҳудудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссияларига тақсимлайди, референдум ўтказувчи участка комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, референдумни моддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

референдумда овоз бериш бюллетенларининг, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, ҳудудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуналари ҳамда шакллари, овоз бериш қутилариининг ва ҳудудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари муҳрларининг намуналарини, уларни сақлаш тартибини белгилайди;

ҳудудий комиссиялар, референдум ўтказувчи участка комиссиялари, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари вакилларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотларини эшитади»;

ўн бешинчи – йигирма биринчи хатбошилари тегишинча **ўн тўртинчи – йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **19 ва 20-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Ҳудудий комиссияларни тузиш

Ҳудудий комиссиялар Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

20-модда. Ҳудудий комиссиянинг ваколатлари

Ҳудудий комиссия:

тегишли ҳудудда ушбу Қонун ижросини назорат қилади;

референдум участкаларини тузади, ҳудуд бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

референдум ўтказувчи участка комиссияларини тузади ҳамда уларнинг таркиби ва жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

референдум ўтказувчи участка комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

маблағларни референдум ўтказувчи участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди, референдум ўтказувчи участка комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва тегишли ҳудудда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

референдумга қўйилган масаланинг мазмунини тушунтиришга қаратилган тадбирларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларига кўмаклашади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

референдум ўтказувчи участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан таъминлайди;

тегишли ҳудуд бўйича овоз бериш яқунларини аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан референдум ўтказувчи комиссияларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно;

ушбу Қонун талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади.

Ҳудудий комиссиянинг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган ваколатлари сайлов тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади»;

10) 21-модданинг:

биринчи қисмидаги «округ комиссияси» деган сўзлар «ҳудудий комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «округ комиссиясига» деган сўзлар «ҳудудий комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 23-модданинг:

номидаги «округ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмидаги «округ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партияларнинг аъзолари, депутатлар, сенаторлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи таркибига кирувчи шахслар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар референдум ўтказувчи участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас»;

бешинчи қисмидаги «комиссияни тузган органга» деган сўзлар «комиссияни тузган ҳудудий комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Зарурат бўлганда комиссиянинг янги аъзоси ушбу Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида белгиланган тартибда тасдиқланади»;

12) **24-модданинг:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда референдум ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади»;

саккизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссиялари референдум натижалари эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади»;

13) **25¹-модданинг номи ва биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25¹-модда. Ҳудудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби

Ҳудудий комиссиялар ва референдум ўтказувчи участка комиссиялари референдумни ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу Қонун талаблари бузилганлиги ёки референдумни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик муддатда уларга ёзма жавоблар бериши, референдумга олти кундан кам вақт қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт, бундан ҳудудий комиссияларнинг ва референдум ўтказувчи участка комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно»;

14) **27-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларга референдум ўтказувчи участка комиссияси биносида овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати билан танишиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти таъминланади»;

15) **29-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек тегишли ҳудудий комиссиянинг қарорига биноан тегишли ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда чоп этилади.

Овоз бериш бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши мумкин»;

16) **30-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссиялари овоз бериш бюллетенларини референдум ўтказиладиган кунга, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш кунига камида уч кун қолганида ҳудудий комиссиялардан олади. Овоз бериш бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини ҳудудий комиссия ва референдум ўтказувчи участка комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби тегишли ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлайди»;

17) **31-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти референдум ўтказувчи участка комиссияси зиммасида бўлади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбирлар ўтказилишига рухсат этилмайди»;

18) **32-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум участкаларида овоз бериш референдум куни ушбу референдум участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган референдум участкаларида овоз бериш қутилари соат 20.00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди»;

19) **33-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «комиссия раиси» деган сўзлар «участка комиссияси раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **35-модда:**

биринчи қисмининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган фуқаро ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан референдум ўтказувчи комиссия таркибига қирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Айрим фуқаролар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка комиссияси овоз беришни ушбу фуқароларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Тегишли комиссиянинг камида икки нафар аъзоси кўчма овоз бериш қутиси билан фуқаронинг турган жойига юборилади, улар фуқаронинг хоши-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг аъзоси, оммавий ахборот воситаси вакили ёки кузатувчи овоз бериш сирини ошкор қилса ёки фуқароларнинг хоши-иродасига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилса, участка комиссиясининг аъзоси комиссия ишида иштирок этишдан четлаштирилади, оммавий ахборот воситаси вакили, кузатувчи эса овоз бериш биносидан дарҳол чиқариб юборилади. Бу ҳақда референдум ўтказувчи участка комиссияси қарор қабул қилади»;

21) 36-модда:

куйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссияси овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш чоғида келиб тушган шикоятларни (аризаларни) кўриб чиқади. Шундан сўнг участка комиссияси овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича мажлис ўтказиб, унда овоз бериш якунлари тўғрисида қарор қабул қилади»;

еттинчи қисми саккизинчи қисм деб ҳисоблансин;

саккизинчи қисми куйидаги мазмундаги **саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Овозларни санаб чиқиш натижалари референдум ўтказувчи участка комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда раис, раис ўринбосари, котиб, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомага киритилади. Шундан сўнг баённома референдум ўтказувчи участка комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун референдум ўтказувчи участка комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган кузатувчилар референдум ўтказувчи участка комиссияси баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини олишга ҳақли.

Референдум ўтказувчи участка комиссияси баённомасининг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли ҳудудий комиссияга дарҳол тақдим этилади, асл нусха эса раис ёки унинг ўринбосари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида олиб бориб топширилади»;

22) **37-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37-модда. Худуд бўйича овоз бериш яқунларини аниқлаш

Референдум ўтказувчи участка комиссияларининг баённомалари асосида ҳудудий комиссия:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилган фуқароларнинг умумий сонини;

овоз бериш бюллетенларини олган фуқароларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг сонини;

референдумга қўйилган масалани ёқлаб берилган овозлар сонини;

референдумга қўйилган масалага қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенлари сонини аниқлайди.

Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг баённомаларида акс эттирилган овозларни санаб чиқиш чоғида номувофикликлар аниқланган тақдирда, ҳудудий комиссия ўз мажлисида участка комиссиясига ушбу номувофикликларни бартараф этишни таклиф қилишга ҳақли.

Тегишли худуд бўйича овоз бериш натижалари ҳудудий комиссия мажлисида аниқланиб, баённомага киритилади. Баённома раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади. Мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун ҳудудий комиссиянинг биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади»;

23) **38-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳудудий комиссияларнинг баённомалари асосида»;

тўртинчи қисмининг:

биринчи жумласидаги «округлар» деган сўз «худудлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи жумласидаги «ўн кун ичида» деган сўзлар «беш кун ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айрим худудларда ёки айрим участкаларда овоз бериш яқунлари ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан ана шу худудлар ёки участкалар бўйича овоз бериш натижалари (агар бу натижаларсиз ҳам референдум умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса) умумий натижалардан чиқариб ташланади»;

олтинчи қисми ўзбекча матнининг:

биринчи жумласидаги «баён» деган сўз «баённома» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи жумласидаги «Баён» деган сўз «Баённома» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **16-моддасининг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси қонунига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида**»ги 350–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 60-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 12/1, 344-модда; 2012 йил, № 4, 104-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова; 2023 йил, № 5, 316-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги «худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин.**

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида**»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил,

№ 3, 162-модда, № 5, 261-модда, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **2-модданинг биринчи қисмидаги** «худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **24-моддасининг биринчи қисмидаги** «камида тўққиз нафар» деган сўзлар «камида беш нафар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **9-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «камида тўққиз нафар» деган сўзлар «камида беш нафар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «бўлиши мумкин» деган сўзлар «бўлиши керак» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **33⁷-модда:**

номидаги «ишлари» деган сўз «**алоқаси**» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати асосида сайланган депутатларнинг сайловчилар билан алоқаси тегишинча сиёсий партия фракцияси томонидан белгиланади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фракциялар ҳар йили Қонунчилик палатасининг Кенгаши билан биргаликда депутатларнинг сайловчилар билан алоқаси учун мўлжалланган вақтни белгилайди».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги 704–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 588-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда) **9-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9-модда. Депутатнинг сайловчилар билан, сиёсий партия билан алоқаси»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати асосида сайланган депутатларнинг сайловчилар билан алоқаси тегишинча сиёсий партия фракцияси томонидан белгиланади»;

иккинчи – бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи – олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **2-моддасининг саккизинчи қисмидаги** «бўлиши мумкин» деган сўзлар «бўлиши керак» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ–544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова, № 6, 518-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 574-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) сайлаш ҳуқуқига эгадир»;

учинчи қисмидаги «шахсий ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 9-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун етмиш бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича бир мандатли сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан ҳар беш йилда бир марта тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати (бундан буён матнда партия рўйхати деб юритилади) асосида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича бир мандатли сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилиши инобатга олинган ҳолда, қоида тарикасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда белгиланади.

Маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш учун сайлов округлари халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларидаги депутатлик ўринларига тенг миқдорда тузилади.

Бир мандатли сайлов округидан Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловда ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Янги ташкил этилган вилоятнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округлари сони Сенат томонидан белгиланади, янги ташкил этилган туманнинг, шаҳарнинг халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларининг сони эса ушбу Кодекс 88-моддасининг талаблари инобатга олинган ҳолда тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан белгиланади.

Янги ташкил этилган вилоятнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округлари Сенатнинг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан, янги ташкил этилган туманнинг, шаҳарнинг халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округлари эса тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашининг тақдимномасига биноан тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияси (бундан буён матнда ҳудудий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан тузилади.

Маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича бир мандатли сайлов округлари тегишли ҳудудий, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан, қоида тариқасида, сайловчилар сони тенг ҳолда ҳар беш йилда бир марта тузилади. Сайлов округларининг чегаралари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши инobatга олинган ҳолда белгиланади.

Бир мандатли сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши, қоида тариқасида, ўн фоиздан ошмаслиги керак.

Бир мандатли сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда сайловдан камида етмиш кун олдин тегишли сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади»;

3) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан беш йил муддатга тузилади. Зарур бўлган ҳолларда, сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан қайта тузилиши, амалдаги сайлов участкаларининг чегаралари ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

Сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкалари туманларнинг, шаҳарларнинг, шаҳарлардаги туманларнинг чегаралари инobatга олинган ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам сайлов участкалари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврига тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари улар жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари бошқа сайлов округларининг чегараларини кесиб ўтмаслиги керак.

Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари ушбу муассасалар ва органлар бошлиқларининг тақдимномасига биноан ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва партия рўйхати асосида Қонунчилик палатаси депутатларининг ягона сайлов округи бўйича сайловини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини тегишли ҳудудга бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида, коида тариқасида, сайловчилар сони камида йигирма нафардан ва қўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса сайловга камида етти кун қолганида тузилади.

Сайлов участкаларининг сони округлар сонидан кам бўлиши мумкин эмас.

Худудий сайлов комиссияси сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда тегишли участка сайлов комиссиясининг телефон рақамларини, жойлашган ерини ва овоз бериш биносини кўрсатган ҳолда сайловчиларни ҳар бир участканинг чегаралари тўғрисида хабардор этишни ташкил қилади.

Сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари учун ягона ҳисобланади»;

4) **11-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов комиссиялари тизимига қуйидагилар киради:

Марказий сайлов комиссияси;

худудий сайлов комиссиялари;

туман ва шаҳар сайлов комиссиялари;

халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари (бундан буён матнда округ сайлов комиссиялари деб юритилади);

участка сайлов комиссиялари»;

5) **12-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан тўққиз нафар аъзодан иборат таркибда тузилади ва доимий асосда фаолият юритади. Марказий сайлов комиссиясининг бир нафар аъзоси Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан беш йиллик муддатга комиссия мажлисида сайланади. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Марказий сайлов комиссиясининг Раиси этиб сайланиши мумкин эмас»;

6) **13-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «Қонунчилик палатаси депутатлигига» деган сўзлар «Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисми чиқариб ташлансин;

саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас»;

7) 14-модда:

иккинчи – йигирма учинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги **иккинчи – йигирма тўққизинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни ташкил этади;

сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Кодекснинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

сайлов комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, сайловни ташкил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар ҳамда низомларни тасдиқлайди, тушунтиришлар беради;

Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан (бундан буён матнда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати деб юритилади) фойдаланиш фаолияти бўйича умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун сайлов округларини тузади;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларини тегишли ҳудудга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

ҳудудий сайлов комиссияларини тузади, уларга тегишли ҳудудни (округни) бириктиради ҳамда ҳудудий сайлов комиссияларининг таркиби ва жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини эълон қилади;

янги ташкил этилган вилоятнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларини тузади;

сайлов комиссияларининг аъзолари ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари учун ўқишларни ташкил этади;

қонунчиликда белгиланган асосларга кўра Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

сайлов комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тартибини белгилайди;

агар сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу Кодексга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг сайловдаги кузатувчиларига мандатлар беради;

сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни, шунингдек партия рўйхатини белгиланган тартибда рўйхатга олади ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини ташкил этади;

рўйхатга олинган номзодларга, шу жумладан партия рўйхати асосида номзодларга гувоҳномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ҳамда уларга гувоҳномалар беради

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ва Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга, шунингдек сиёсий партияларга сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, сайлов қутилариининг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналари ҳамда шакллариини, уларни сақлаш тартибини белгилайди;

сайлов бюллетенларини тайёрлаш ва сайлов участкаларига етказиш тартибини белгилайди;

сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакиллариининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

сайловнинг якунларини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони, ҳар бир номзод ва сиёсий партияни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги хабарни матбуотда эълон қилади;

ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ёки Сенат аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этади»;

Йигирма тўртинчи – ўттиз олтинчи хатбошилари тегишинча **ўттизинчи – қирқ иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

8) **16-модданинг еттинчи қисмидаги** «округ ва участка» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **17-модданинг:**

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин;

10) **19** ва **20-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«19-модда. Худудий, туман ва шаҳар сайлов
комиссияларини тузиш**

Худудий сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Марказий сайлов комиссияси сайловга камида саксон кун қолганида худудий сайлов комиссияларини комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг ўн икки – ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузади.

Туман, шаҳар сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда худудий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Худудий сайлов комиссияси сайловга камида етмиш беш кун қолганида туман, шаҳар сайлов комиссияларини комиссия раиси, раис ўринбосари, котибидан ва комиссиянинг саккиз – ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузади.

Янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликларда худудий сайлов комиссияси Сенатнинг тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан, туман, шаҳар сайлов комиссиялари эса тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашининг тавсиясига биноан худудий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида олти кун қолганида тузилади ҳамда ўз ваколатларини кейинги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунига қадар амалга оширади.

Худудий, туман, шаҳар сайлов комиссиялари расмий веб-сайтларида ва матбуот нашрларида ўз таркиби, манзили ва комиссиянинг телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

20-модда. Худудий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Худудий сайлов комиссияси:

тегишли худудда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни ташкил этади;

тегишли худудда ушбу Кодекснинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан тушунтиришлар беради;

халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар сони, сайлов округларининг рўйхати ҳамда округ сайлов комиссиялари жойлашган ер тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларини тузади ҳамда уларнинг таркиби ва жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

тегишли туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилади;

янги ташкил этилган туманнинг, шаҳарнинг халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларини тузади;

сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилни кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчиларни хабардор қилади;

участка сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қилади;

туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, агар уларнинг қарорлари ушбу Кодексга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки вилоят, туман, шаҳар прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодларни белгиланган тартибда рўйхатга олади ва улар ҳақидаги маълумотлар расмий эълон қилинишини ташкил этади;

рўйхатга олинган номзодларга гувоҳномалар беради;

номзодлар ва сиёсий партияларга сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳамда халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

депутатликка номзод этиб рўйхатга олинганларнинг таржимаи ҳоли ва дастурларининг асосий йўналишларини чоп этиш ҳамда участкаларга етказиб беришни таъминлайди;

сайловларни вилоят, Тошкент шаҳри миқёсида ёритувчи маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказди ва тегишли гувоҳнома беради;

сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларни рўйхатга олади;

пул маблағларини тегишли сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг, ўз муҳрининг, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг тайёрланишини таъминлайди;

сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов яқунларини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, сайлов яқунлари тўғрисидаги маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатларини матбуотда эълон қилади;

депутатларга вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати гувоҳномасини ва кўкрак нишонини беради;

вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари такрорий сайлови, шунингдек бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилишини ташкил этади;

сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно;

ушбу Кодекс талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивларга ва идоравий архивларга топширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида тегишли ҳудуд бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов яқунлари тўғрисида тегишли халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига ахборот беради;

маҳаллий Кенгашларга сайлов яқунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига ҳисобот беради.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳудудий сайлов комиссияларининг ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси амалга оширади»;

11) қуйидаги мазмундаги **20¹-модда** билан тўлдирилсин:

20¹-модда. Туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатлари

Туман, шаҳар сайлов комиссияси:

тегишли ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни ташкил этади;

тегишли ҳудудда ушбу Кодекснинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан тушунтиришлар беради;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайлов округларининг рўйхатини эълон қилади;

участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

агар участка сайлов комиссияларининг қарорлари ушбу Кодексга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки туман, шаҳар прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

